


Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 январда қабул қилинган фармониға мувофиқ Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 24 январь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида миллий маданий марказлар фаоллари билан учрашди.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган, дўстлик, аҳиллик байрамиға айланган ушбу айёмнинг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуд куни арафасида ўтаётганида теран маъно мужассам. Буюк Йўлбошчимиз истиқлолнинг илк кунларидан тинчлик ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашға алоҳида аҳамият қаратди. Мустақиллигимиз эълон қилинган тарихий нутқида "Республикаимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишиға, она тилида сўзлашиши ва ўқишиға барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишға солинади. Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик, эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади", деб давлатимиз сиёсатини, жамиятимиз истиқболини белгилаб берган эди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш маросимидаги нутқида мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзининг устувор вазифаси, деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлади.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётгани ҳам мамлакатимизда инсонпарвар, тинчликпарвар сиёсат изчил давом эттирилаётганининг яна бир ҳаётий тасдиғи бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев учрашувда ушбу муҳим масалаға бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратиб, миллий маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун зарур барча ишлар амалға оширилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.